



«ҚИЗИЛ ЧОЙХОНАЛАР» ҚОШИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН КУТУБХОНАЛАР: ТАРИХИ, ФАОЛИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

Annotation: This article explores the history, activities, and significance of libraries established within Red Teahouses. During the Soviet period, these libraries played a crucial role in promoting literacy, culture, and science among the population. The study is based on archival documents, scientific sources, and historical literature. Based on the findings, scientific conclusions are drawn about the impact and importance of these libraries.

Keywords: Red Teahouses, libraries, Soviet period, literacy, culture, science.

Аннотация: Ушбу мақолада «қизил чойхоналар» қошида ташкил этилган кутубхоналар тарихи, уларнинг фаолияти ва ижтимоий-маънавий ҳаётдаги аҳамияти ёритилган. Совет даврида ушбу кутубхоналар халқни саводхон қилиш, маданият ва илм-фанни оммалаштиришда, совет ғояларини аҳоли онгига сингдиришдаги муҳим вазифалари ёритилган. Мақолада манбалар ва тарихий адабиётлардан фойдаланилган. Олинган натижалар асосида ушбу кутубхоналар фаолиятининг аҳамияти ва таъсири ҳақида илмий хулосалар берилган.

Калит сўзлар: Қизил чойхоналар, кутубхоналар, Совет даври, саводхонлик, маданият, илм-фан, тарғибот-ташвиқот.

Аннотация: В данной статье рассматривается история, деятельность и значение библиотек, организованных при Красных чайханах. В советский период эти библиотеки сыграли важную роль в ликвидации неграмотности, популяризации культуры и науки среди населения. В исследовании использованы архивные документы, научные источники и историческая литература. На основе полученных результатов даны научные выводы о влиянии и значимости этих библиотек.

Ключевые слова: Красные чайханы, библиотеки, советский период, грамотность, культура, наука.

Янги Ўзбекистонда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидаги энг муҳим устувор вазифалардан бири — бу китобхонлик маданиятини юксалтириш ва кутубхона тизимини ривожлантиришдир. Кутубхоналар жамият тараққиётининг муҳим мезонларидан бири ҳисобланиб, улар миллатнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Ўзбекистон тарихи давомида кутубхона иши маданият ва маърифат маркази сифатида шаклланган. Айниқса, Амир Темур ва темурийлар даврида, кейинчалик жадидлар ҳа-

ракати даврида кутубхоналар миллатнинг маънавий юксалишида муҳим роль ўйнаган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев китоб мутолааси ва унинг аҳамияти ҳақида: «Бугунги кунда китоб ўқиган ва билим олган халқ ҳеч қачон ютқазмайди. Аксинча, доимо тараққиёт сари илдамлайди. Шунинг учун ёшларимизни китобга, маърифатга ошно қилиш — энг муҳим вазифаларимиздан биридир» деб [1], таъкидлаган.

Ўзбек адабиётининг буюк намояндаларидан бири Абдулла Қодирий (1894–1938 йй.)нинг «Ўтган кунлар» асарида китоб ўқиш ▶



Хабибжон Олимжонов, Ўзбекистон Миллий университети Тарих факультети «Ўзбекистоннинг энг янги тарихи» кафедраси катта ўқитувчиси, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Кутубхоналар жамият тараққиётининг муҳим мезонларидан бири ҳисобланиб, улар миллатнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Ўзбекистон тарихи давомида кутубхона иши маданият ва маърифат маркази сифатида шаклланган



ва билим олиш муҳим экани таъкидланган: «Билимсиз одам кўр бўлса, китобсиз инсон – қуролсиз аскардир» деб, хордиқ чиқариш масканлари бўлган чойхоналар тўғрисида эса «чойхоналар фақат чой ичиладиган жой эмас, балки эл орасидаги энг сўнгги янгиликлар эшитиладиган, дунё ишлари муҳокама қилинадиган маскандир» дея [4. – Б. 78.], таъкидлаган.

Ўзбекистонда кутубхоналар маданий-маърифий тараққиётнинг муҳим қисми бўлиб келган. Хусусан, совет даврида ташкил этилган чойхоналар ва уларнинг қошида фаолият юритган кутубхоналар халқнинг билим ва саводхонлик даражасини ошириш билан бирга, совет мафкурасини аҳоли онига сингдиришда катта ҳисса қўшган. «Қизил чойхоналар» XX асрнинг 1920–1930 йилларида Ўзбекистонда жорий этила бошланган бўлиб, уларнинг асосий мақсади ишчилар ва деҳқонларнинг сиёсий ва маданий онгида совет мафкурасини сингдириш бўлган.

Ушбу мақолада «Қизил чойхоналар» қошида ташкил этилган кутубхоналарнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсири ҳақида маълумот берилади. Шунингдек, илмий манбалар ва аниқ далилларга асосланган ҳолда, ушбу кутубхоналар ўз даврида қандай аҳамият касб этгани ва бугунги кунда қандай хулосалар чиқариши мумкинлиги ёритилган.

«Қизил чойхона» атамаси илк бор 1920 йилларда пайдо бўлган. Совет ҳокимияти ўрнатилганидан сўнг, Россия империяси таркибида бўлган ҳудудларда маданий-маърифий ишларга алоҳида эътибор берила бошланган. Хусусан, Ўзбекистонда ҳам саводсизликни тугатиш, аҳолининг билимини ошириш,

ишчилар ва деҳқонларни коммунистик мафкура асосида тарбиялаш мақсадида «қизил чойхоналар» очилган.

Бу чойхоналар анъанавий шарқона чойхона шаклида бўлиб, аммо одатий чойхоналар сингари фақат хордиқ чиқариш жойи эмас, балки унда турли маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, китоб мутолаалари ва сиёсий тарғибот ишлари олиб борилган.

Чойхоналар қошида ташкил қилинган кутубхоналар маҳаллий аҳолининг китоб ўқиш маданиятини шакллантиришга хизмат қилган. Бу кутубхоналар совет идеологиясини тарқатишнинг асосий воситаларидан бири сифатида қаралган. Улар қуйидаги вазифаларни бажарган: аҳолига савод ўргатиш ва китоб ўқиш кўникмасини шакллантириш, коммунистик мафкурани тарғиб қилиш, сиёсий билим бериш, илмий ва бадиий адабиётларни тарқатиш, мутолаага тарғиб қилиш, маҳаллий зиёлилар ва ёш авлод учун маълумот маркази бўлиши лозим бўлган [5]. Мазкур масканларда жаҳон ва минтақада юз бераётган жараёнлар ҳам муҳокама қилиниб борилган. У ерда китоб, журнал, газета каби ахборот манбалари ҳам сақлангани ушбу жойни совет ҳокимияти мафкуравий сиёсатида қандай аҳамият касб этганлигидан далолат беради.

Уларнинг кутубхоналарида қуйидаги турдаги китоблар мавжуд бўлган: совет идеологиясига оид китоблар (В.И.Ленин, И.Сталин, К.Маркс ва Ф.Энгельснинг асарлари,), илмий ва техник адабиётлар (қишлоқ хўжалиги, саноат ва бошқа соҳалар бўйича), тарихий асарлар (ўзбек халқи тарихи ва жаҳон тарихи ҳақида); бадиий адабиётлар (Пушкин, Толстой, Горький каби ёзувчиларнинг асарлари), маҳаллий ёзувчиларнинг асарлари (Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом ва бошқалар) бўлган. Бирок, бу кутубхоналарда анъанавий исломий ва маҳаллий маданий меросга оид китоблар чекланган ёки тақиқланган эди. Шу сабабли, қизил чойхоналар кутубхоналари ҳар томонлама эркин билим олиш маскани эмас, балки мафкуравий тарғибот воситаси сифатида фаолият юритган.

Бундай масканлар Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Андижон, Наманган, Қарши, Шаҳрисабз ва Термиз каби шаҳарларда ҳам фаолият юритган. Бу чойхоналар Совет мафкурасини тарғиб қилиш, саводсизликни тугатиш ва аҳолининг маданий савиясини ошириш мақсадида ташкил этилган.

«Қизил чойхоналар» 1920–30 йилларда Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида ташкил этилган бўлиб, уларнинг аниқ манзиллари

«Қизил чойхона» атамаси илк бор 1920 йилларда пайдо бўлган. Совет ҳокимияти ўрнатилганидан сўнг, Россия империяси таркибида бўлган ҳудудларда маданий-маърифий ишларга алоҳида эътибор берила бошланган

ҳақида баъзи маълумотларни келтириб ўтиш мумкин. Хусусан, Ғафур Ғуломнинг «Шум бола» қиссасида Тошкентдаги Илҳом самоварчининг каттакон чойхонаси тасвирланган бўлиб, у даврнинг маданий муҳитини ҳамда чойхоналар фаолияти ҳам акс эттирилган [2]. Абдулла Қодирийнинг «Кеча ва кундуз» романида ўша даврнинг ижтимоий-сиёсий муҳитини акс эттирувчи эпизодлар мавжуд бўлиб, улар орқали чойхоналар фаолияти ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин [3].

Режиссор Али Ҳамроев томонидан 1960 йилда суратга олинган «Маҳаллада дув-дув гап» фильмда маҳаллий аҳоли вакиллари-нинг турмуш-тарзи ва «қизил чойхоналар» фаолиятига ишоралар мавжуд. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» номли романида ўша даврнинг ижтимоий-сиёсий муҳитини кўриш мумкин [4].

Ушбу манбалар ва асарлар орқали «қизил чойхоналар» ва уларнинг жамиятдаги ўрни ҳақида кенгроқ тасаввурга эга бўлиш мумкин. Қизил чойхоналар қошида ташкил қилинган кутубхоналар Ўзбекистонда саводхонлик даражасини оширишга ҳам кўмаклашган. Маданий қурилишни жойларда ташкил этиш бўйича чора-тадбирларни партия томонидан қабул қилганлиги қуйидаги маълумотлар орқали тушунарли бўлади: Октябрь инқилоби арафасида қирғизлар орасида саводхонлик даражаси атиги 0,6%, тожиклар орасида – 0,5%, туркманлар орасида – 0,7%, ўзбеклар орасида – 1,6% ни ташкил этган, 48 та миллат эса умуман ёзувга эга эмас эди [6. – Б. 31.]. 1920 йилларда саводсизлик юқори даражада бўлган бўлса, 1930 йилларга келиб аҳоли орасида ўқиш ва ёзишни билувчилар ортган. Масалан, 1926 йилда эркалар орасида саводхонлик даражаси 26,4%, аёллар орасида эса атиги 5,7% эди. 1939 йилга келиб бу кўрсаткич эркалар орасида 82,6%, аёллар орасида 41,7% га етган [6. – Б. 38.]. Ушбу жараёнда қизил чойхоналар қошидаги кутубхоналар муҳим аҳамият касб этган.

Ушбу кутубхоналар, айниқса, қишлоқ жойларида аҳолининг маънавий дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилган. Кутубхоналар фаолияти туфайли кўплаб янги ўқувчилар пайдо бўлган, шунингдек, маҳаллий зиёлилар етишиб чиқишига туртки бўлган. Бундан ташқари, бу кутубхоналар болалар учун ҳам муҳим роль ўйнаган. 1940 йилларда болалар учун алоҳида кутубхоналар ташкил этила бошланган, уларда эртақлар, ҳикоялар ва илмий-оммабоп китоблар мавжуд бўлган.

Бу келажак авлоднинг билим олишга бўлган иштиёқини оширишга хизмат қилган.

1950 йиллардан бошлаб, жамиятдаги ўзгаришлар сабаб Қизил чойхоналар фаолияти пасайган. Бу кутубхоналар дастлабки босқичда давлат томонидан фаол қўллаб-қувватланган бўлса-да, кейинчалик янги турдаги кутубхоналар пайдо бўлиши билан уларнинг ўрни пасайиб борган.

Чойхоналар қошида ташкил қилинган кутубхоналар Ўзбекистон маданий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Улар аҳолининг саводхонлигини ошириш, бадий ва илмий билимларини бойитиш, ёш авлодни тарбиялаш борасида катта ҳисса қўшган. Ушбу кутубхоналар ўз вақтида халқни илм-маърифатга чорлаган, бу эса Ўзбекистоннинг маданий ривожланишида катта роль ўйнаган.

Бугунги кунда аҳолини китоб мутоласига қизиқишини ошириш ва маънавий камол топишини таъминлаш Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва маданият-маънавият марказлари орқали давом эттирилмоқда. Кўплаб замонавий кутубхоналар ҳам фақат китоб ўқиш маскани эмас, балки маданий-маърифий тадбирлар ўтказиладиган жой сифатида хизмат қилмоқда.

Мазкур вазифалардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда замонавий кутубхоналарни ривожлантириш ва аҳолини китобга бўлган қизиқишини ошириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун электрон кутубхоналар, мобил кутубхоналар ва ижтимоий-маърифий марказларни ривожлантириш орқали ўтмишдаги кутубхоналарининг меросини янги форматда давом эттириш мумкин.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – Б. 112.
2. Ғулом Ғ. Шум бола. – Тошкент: Ёшлар нашриёти, 2018. – 192 б.
3. Қодирий А. Кеча ва кундуз. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1989. – 200 б.
4. Қодирий А. Ўткан кунлар. – Тошкент: Ғофур Ғулом нашриёт, 2018. – 432 б.
5. Касимова А.Г. История библиотеки в Узбекистане. – Ташкент: «Ўқитувчи», 1981. – С. 36.
6. Олимжонов Х.А. Туркистонда кутубхона иши тарихи (1870-1917 йй.): т.ф.ф.д. (PhD) диссертат. – Тошкент, 2022. – Б. 31. ■

Чойхоналар қошида ташкил қилинган кутубхоналар Ўзбекистон маданий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Улар аҳолининг саводхонлигини ошириш, бадий ва илмий билимларини бойитиш, ёш авлодни тарбиялаш борасида катта ҳисса қўшган. Ушбу кутубхоналар ўз вақтида халқни илм-маърифатга чорлаган, бу эса Ўзбекистоннинг маданий ривожланишида катта роль ўйнаган